

Коммунал соҳадаги муаммолар: ечим борми?




3-бет

Ер сотган директор тўрт йилга қамалди ҳукмдан норози, бироқ...



4 бет

Кадастр китоби йўқолганда нима қилиш керак?



6-бет

Жамият тараққиёти туризмга қанчалик боғлиқ?



7-бет



# ИНСОН ҚОНУН

17 март 2020 йил / № 10 (1214)

[www.hudud24.uz](http://www.hudud24.uz)

[insonvaqonun@adliya.uz](mailto:insonvaqonun@adliya.uz)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири юртимизда коронавирус ҳолати қайд этилганлигини маълум қилди ва бу борада муҳим эҳтиёт чораларини кўриш зарурлигини таъкидлади.

## ВАҲИМА ВА ХАВОТИРГА ЎРИН ЙЎҚ! КАСАЛЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА БИЗДА ЕТАРЛИ ШАРОИТ МАВЖУД

**Й**ИГИЛИШДА 16 мартдан бошлаб Ўзбекистоннинг чет эл давлатлари билан авиа ва автомобиль қатновлари тўхтатилиши маълум қилинди. Темир-йўл орқали қатновларга эса 3 кун муددат берилди.

Шунингдек, 16 мартдан Ўзбекистон фуқароларининг чет давлатларга чиқиши, чет давлат фуқароларининг Ўзбекистонга кириши тақиқланади. Чет давлатлардаги ўзбекистонликларнинг қайтишига алоҳида шарт-шароит яратилади.

Йигилишда Бош вазир ваҳима ва хавотирга ўрин йўқлигини, касаллик тарқалишини олдини олиш учун шароитлар мавжудлигини таъкидлаб, шундай бўлса-да, эҳтиёт чораларини мукаммал равишда кўриш кераклигини билдирди. Шу сабабли 16 мартдан мамлакатимиздаги барча давлат ва нодавлат таълим муассасаларида (боғча, мактаб ва коллеж, лицей ҳамда олий таълим даргоҳлари) баҳорги таътил эълон қилиниши маълум қилинди.

**Йигилишда бундан ташқари қуйидаги муҳим чоралар белгиланди:**

- Тошкентдан вилоятларга қайтадиган талабаларга темир йўллари ва самолётларда 50 фоиз чегирма берилади.
- Ҳар 4 соатда жамоат транспортлари дезинфекция қилинади.
- Барча оммавий тадбирлар, шу жумладан, Наврўз тадбирлари бекор қилинди.
- Махсус call-center ташкил этилади. Call-center орқали аҳоли вазият юзасидан хабардор бўлиб туриши мумкин.
- Ҳукумат барча диний идораларга диний маросимларни ўтказишни вақтинча чеклаш бўйича мурожаат қилади.



Бундан ташқари, Бош вазир Ҳукумат карантин вақтида нарх-навоми асосиз равишда ошириш ҳолатларига қарши кескин чоралар кўришини маълум қилди. Бунга Бош прокуратура ҳузуридаги департамент ҳамда Давлат солиқ қўмитаси жалб қилинганлигини билдирди.

Бўлиб ўтган йигилишда ҳозирча озиқ-овқат ва бошқа захиралар етарли даражада эканлиги тўғрисида ҳам фикр билдирилди.

Эслатиб ўтамиз, карантин қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган ва Президент топшириғига биноан Республика Бош прокуратураси бу бўйича назоратни кучайтиради.

## Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти: коронавирусдан ҳимояланиш бўйича зарур тавсиялар...

- Кўпгина вируслар, жумладан, коронавирус ҳам дезинфекцияловчи эритмаларда ўлади. Шахсий гигиенага қатъий амал қилинг;
- Қўлларингизни тез-тез ювинг. Доимий фойдаланадиган буюмларингизни ҳам тоза сақланг. Вирусни нафақат ҳаво-томчи, балки контакт усулида ҳам юқишини ҳисобга олсак, қўлларга дезинфекцияловчи, спиртли эритмалар билан ишлов бериш ҳам яхши самара беради. Телефон, клавиатура, эшик тутқичлари, лифт тугмалари, дўконлардаги аравалар тутқичлари эпидемиологик жихатдан хавфли бўлиши мумкин. Шунинг учун иложи борича уларни ушламасликка ҳаракат қилинг. Ушласангиз қўлингизни спиртли гел билан тозаланг, совунлаб ювинг;
- Юз-кўзингизга ювилмаган қўлларингизни текширишдан сақланг. Чунки вирус нафақат бурун ёки оғиз, балки кўз шиллиқ пардалари орқали ҳам юқади;
- Тиббий ниқобдан фойдаланинг. Ниқобларни ҳам вақти-вақти билан алмаштириб туринг. Ишлатилган ниқобни ечгач, қўлларни ювишни унутманг;
- Аксирш ёки йўталиш вақтида оғизни қўл билан эмас, бир марталик салфетка билан ёпинг;
- Қўл бериб сўрашиш ва қучоқлаб кўришидан чекланинг;
- Имкон қадар умумий овқатланиш жойларига бориб овқатланманг.

hudud24

Endi 24 soat siz bilan!

- ✓ Энг сўнгги хабарлар
- ✓ Ҳуқуқий маълумотлар
- ✓ Таҳлилий мақолалар
- ✓ Мурожаатга жавоблар

буларнинг барчасини ўзингиз кутган сайтда кузатинг

@hudud24official



## Маҳалла раиси пенсия масаласида норозилик билдирди

ШОЛИКОР МФЙ раиси Р.Абдураимов маҳалла аҳолисининг дардига ва ташвишига бефарқ эмас. Раис маҳалладошларининг жумладан, 1-гурӯҳ ногиронлиги бўлган пенсионер ва нафақахўрларнинг нафақа пуллари АТ Халқ банкининг Сирдарё шаҳар филиали томонидан ўз вақтида тарқатилмаётганлигидан норози бўлди. Камига, ушбу масала бўйича филиалга шу йилнинг январь ойида қилинган мурожаат ҳам жавобсиз қолган. Бундай эътиборсизлик ва масъулиятсизликдан ранжиган раис Сирдарё туман адлия бўлимига мурожаат қилди.

Адлия бўлими аралашуви билан нафақа пуллари етказилиши таъминланди.

Шунингдек, мурожаатга ўз вақтида жавоб бермаган АТ Халқ банк Сирдарё шаҳар филиалининг пенсия ва нафақа билан ишлаш бўлими бошлиғига суд қарорига асосан базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 миқдориди (111 500 сўм) жарима жазоси таъинланди. Бундан ташқари, келгусида бу каби ҳуқуқбузарликларга йўл қўймастик, уларнинг содир этилишига кўмаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида АТ Халқ банкининг Сирдарё шаҳар филиалига тақдимнома киритилди.

Тургун ХУДОЙБЕРДИЕВ, Сирдарё туман адлия бўлими бошлиғи



## ЕТТИ ЙИЛЛИК ОВОРАГАРЧИЛИККА ЧЕК КЎЙИЛДИ

**УЙЧИ** туман адлия бўлими томонидан ташкил этилган сайёр қабулда Уйчи тумани Шафтоли маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Умида Акбарованинг фарзандига туғилганлик тўғрисида гувоҳнома олишда амалий ёрдам беришни сўраб қилган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш давомида фуқаро У.Ақбарованинг Гулноза исмли қиз фарзанди 2013 йил 6 январь куни Тошкент вилояти Янгийўл туманида туғилганлиги, бироқ фарзандига ўтган 7 йил давомида туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ололмаганлиги, бу борада тегишли идораларга қилган мурожаатлари жавобсиз қолганлиги аниқланди. Туман адлия бўлими томонидан фуқарога амалий ёрдам кўрсатилиб, Тошкент вилояти Янгийўл туман тиббиёт бирлашмасидан тегишли ҳужжатлар сўров йўли билан олинди ва жорий йилнинг 13 февраль куни Уйчи туман ФХДБ бўлими томонидан туғилганлик ҳақида гувоҳнома расмийлаштирилиб, фуқаро У.Ақбарованинг 7 йиллик овозагарчилигига барҳам берилди.

**Ҳалимжон ҚОБИЛОВ,**  
Уйчи туман адлия бўлими бошлиғи

## ДЎКОН БУЗИЛДИ, КОМПЕНСАЦИЯ ЧЎЗИЛДИ



**ПРЕЗИДЕНТНИНГ** 2017 йил 27 мартдаги "2017-2019 йиллар даврида деҳқон бозорларини реконструкция қилиш ва уларнинг ҳудудида замонавий савдо мажмуалари куриш дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарорига асосан Бухоро шаҳридаги "Дилқуш" деҳқон бозори реконструкция қилиниб, унинг ҳудудида замонавий савдо мажмуаси курилиши белгиланган.

Шу муносабат билан мутасадди ташкилотлар томонидан савдо дўконлари бузиб ташланди. Жумладан, У.Раҳматовнинг 304- ва 306-сонли савдо дўконлари ҳам бузилган бўлса-да, аммо мулк эгасига компенсация тўлаб берилмаган. Шу муносабат билан У.Раҳматов адлия вазирлигига мурожаат қилди. Адлия идораларининг саъй-ҳаракатлари билан тадбиркор У.Раҳматовга замонавий савдо мажмуасидан умумий майдони 27 квадрат метр жой ажратилиб берилиши таъминланди.

**Туйғун АЗИМОВ,**  
Бухоро вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

**ФУҚАРО** О.Ходжаев Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Наманган шаҳар бўлимининг қароридан норози бўлиб, шунингдек, ортиқча ҳисобланган пенсияни ундиришни тўхтатишда амалий ёрдам сўраб адлия бўлимига мурожаат қилди.

Мурожаатни кўриб чиқиш жараёнида аниқландики, фуқаронинг 3792499-сонли пенсия ишига оид ҳужжатлари пенсия бўлими томонидан ўрганилиб, қайта ҳисоб-китоб қилинган, 2011 йилдан 2019 йил 28 февралгача жами 11 178 442 сўм ортиқча пенсия ҳисобланган, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Наманган шаҳар бўлимининг 2019 йил 19 февралдаги қарори билан фуқародан жами 11 178 442 сўм ортиқча ҳисобланган пенсия миқдорини ундириш белгиланган.

Молия вазирининг 2016 йил 5 октябрдаги буйруғи билан тасдиқланган "Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирма қилиш тартиби тўғрисида"ги йўриқноманинг 13-бандида пенсионер Пенсия жамғармаси бўлимининг ортиқча тўланган пенсия суммасини ушлаб қолиш тўғрисидаги қароридан норози бўлган тақдирда, аниқланган қардорлик у аниқланган санадан бошлаб кўпи билан уч йил учун суд орқали ундирилиши белгиланган. Шунингдек, судга даъво аризаси ки-

## Пенсия ортиқча ҳисобланса айбдор ким бўлади?

ритилганда чегирма қилиш тўғрисидаги комиссия қарори тўхтатиб турилиши кўрсатилган.

Бундан ташқари, Фуқаролик кодекси 15-модда-сида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шу жумладан, давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижа-сида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар давлат томонидан ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан тўла-ниши кераклиги, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг айби билан етказилган зарарларни қоллаш суднинг қарори билан шу мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкинлиги белгиланган.

Мазкур мурожаат атрофлича ўрганилиб, адлия бўлими томонидан Наманган шаҳар маъмурий судига ариза киритилиб, суднинг 2020 йил




28 январдаги ҳал қилув қарорига кўра Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Наманган шаҳар бўлимининг 2019 йил 19 февралдаги 42-сонли қарори ҳақиқий эмас, деб топилди. Натижада, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Наманган шаҳар бўлими зиммасига ортиқча ҳисобланган 11 178 442 сўм пенсия миқдорини фуқародан ундирмаслик мажбурияти юклатилди.

**Отабек КАРИМЖОНОВ,**  
Наманган вилоят адлия бошқармаси етакчи маслаҳатчиси

## Инспектор ўз кучини йўқотган қарор билан БАЁННОМА ТУЗГАН

**СИРДАРЁ** вилоят Транспорт бошқармасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомаларнинг белгиланган тартибда расмийлаштирилганлиги аҳволи ўрганилганда, инспекторлар томонидан ўз кучини йўқотган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиб баённомалар тузилганлиги аниқланди.



Аслида баённома уни тузган шахс ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан имзоланиши, гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлган тақдирда эса — баённома мазкур шахслар томонидан ҳам имзоланиши керак.

Шунингдек, ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённомани имзолашдан бош торган тақдирда, баённомага бу ҳақда ёзиб қўйилади. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённоманинг мазмуни юзасидан баённомага илова қилинадиган тушунтириш ва мулоҳазаларини беришга, шунингдек, мазкур баённомага имзо чекишдан бош тортиш сабабларини баён этишга ҳақлидир.

Баённомани тузиш вақтида ҳуқуқбузарга унинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади ҳамда бу хусусда баённомага ёзиб қўйилади.

Бироқ бошқарманинг Автомобилларда ташувлар хавфсизлигини таъминлаш юзасидан назорат бўлими инспектори томонидан 2019 йил 27 августда фуқаро Х.Эшонқуловга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилган бўлиб, мазкур баённомада Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 декабрдаги 994-сон қарори билан тасдиқланган Автомобиль транспортда йўловчиларни ҳамда юкларни шахарда, шахар атрофида, шахарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низом талаблари бузилганлиги қайд этилган.

Ушбу ҳолат 2019 йил 26 августда Ш.Пўлатов, 2019 йил 20 сентябрда Ж.Латифов, 2019 йил 6 декабрда Д.Пауповларга нисба-

тан расмийлаштирилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомаларда ҳам такрорланган.

Ваҳоланки, юқорида қайд этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 июлдаги 636-сонли "Автомобиль транспортда йўловчиларни ва юкларни шахарда, шахар атрофида, шахарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш юзасидан давлат хизматлари кўрсатишининг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига асосан ўз кучини йўқотган.

Ўрганишлар якунида ушбу камчиликларни бартараф қилиш бўйича тақдимнома киритилди.

**Санжар ЎРМОНОВ,**  
Сирдарё вилоят адлия бошқармаси масъул ходими



**ИНСОНИ** тўғри йўлдан тойдиришга, дунё халқларини ичидан бузиб, онгини кул қилиш орқали минг йиллик маънавиятидан, тилидан, қадриятларидан, диний эътиқодидан жудо қилишга уринишлар ҳамма замонларда ҳам бўлган ва афсуски ҳозир ҳам бундан мустасно эмасми.

“Ёғочнинг бўшини кўрт ёйди доим...”, деган иборани эса барчамиз яхши биламиз.

Дарҳақиқат, ҳар қандай бўшлиқ зарарли ҳаёлларга макон бўлади, у маънавиятга таҳдид солиши ва хавф туғдириши аниқ. Табиат ва жамиятдаги бўшлиқларни, шубҳасиз, албатта, кимдир тўлдиришга ҳаракат қилиши табиий ва маънавий бўшлиқни тўлдиришга уринадиган, бу билан ўзининг гаразли мақсадларини амалга оширишни ўйлаб юрганлар дунёнинг хоҳлаган бурчагида топилади.

Яқинда Тошкент шаҳрида террористик гуруҳнинг кўлга олинганлиги ҳақидаги хабарлар ижтимоий тармоқларда эълон қилинди. 21 кишидан иборат бу гуруҳ халқаро террористик гуруҳнинг мафкурасига ва экстремистик оқимларга қўшилиб қолганлиги аниқланди. Тинчлигимизга раҳна соладиган ва кўнглимизни хавотирга қўядиган бу маълумотлар юртимиздаги ҳар бир инсон учун тинчликни кўз қорачигидек асраш шартлигини тақрор-тақрор эслатиши аён. Ахир, тинчлик учун берилган қурбонларнинг руҳини, осийшхалик учун тўқилган қонларнинг изини унутиш мумкинми?

Инсон ўз қилмишларининг оқибатини ҳар доим ҳам аниқ идрок этавермайди. Эндигина 27 ёшга кирган йигитнинг суднинг қора курсисига ўтириши, озодекликдан чеклаш жазосини олиши, кекса ота-онасини, ўз фарзандларини, оиласини ташвишга, хавотирга қўйиши, ўз орауларини ва келажagini барбод қилиши нақадар аянчли.

Шоди Собиров (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам ана шундай ёшлардан бири

# Оқ флешкадаги қора доғлар...

бўлиб чиқди. У Коимех туманида туғилган, миллати ўзбек. Ўзбекистон фуқароси, оилали, 3 нафар фарзанднинг отаси. Урта маълумотли бу йигит мамлакатимиз билан Жанубий Корея давлати ўртасидаги келишувга биноан 2012-2016 йиллар давомида мазкур давлатда шартнома асосида меҳнат қилиб, турли мамлакатлардан борган меҳнат мигрантлари билан танишган. Давлатни эгаллашга уринаётганларга алоқадор бўлган бузғунчи кишилар билан яқиндан танишиб, уларга эргашиб юрган.

Уларнинг измига бўйсунган йигит ўзига тегишли бўлган оқ рангли “Кеупех” номли 64 гигабайтлик флешкасида у ерда олган “сабоқ”ларини муҳрланганлигини ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрлаш, тарқатиш ва Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тақиқланган, амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартиришга очиқдан-очиқ даъват қилувчи, қонуний сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четлатишга тарғиб қилувчи Аҳлиддин Новақтийнинг “Эртанги кунга тайёргарлик” номли маърузасини, шунингдек, ақидапарастлик гоёлари билан йўғрилган Абдуллоҳ Бухорийга ва Раҳод Камаловга тегишли маърузаларини ушбу шахсларнинг аънаваний ислом учун ёт бўлган гоё ҳамда тушунчаларнинг тарқалишида, диндорлар орасида ислом дини ақидаларига турлича ёндашувларнинг пайида бўлиб, турли ихтилофларнинг юзага келишига сабабчи бўладиган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрлаш, тарқатиш ва хориждан олиб кириш тақиқланган диний

мазмундаги маълумотларни яқин қариндошларига тарқатиб келганлиги Навоий вилояти диний мазмундаги махсусотлар экспертизасининг хулосаси ёрдамида маълум бўлди.

Судланувчи Ш.Собиров суд мажлисида айбига қисман иқроор бўлиб, 2012 йил ноябрь ойида Жанубий Корея Республикасининг Кванджу шаҳрига ишлаш мақсадида шартнома асосида боргани, 2014 йилда наманганлик Шокир Қодиров исмли шахс меҳнат шартномаси асосида мазкур корхонага келгани ва у билан бирга пайвандловчи бўлиб ишлаш бошлагани, улар бирга бир ётоқхонада яшаб келиши давомида дастлаб Ш.Қодиров унга динга бўлган қизиқишини уйғотгани, ўзига тегишли бўлган “Galaxy Nod 2” русумли уяли алоқа воситаси орқали интернетда кўплаб диний мавзудаги маърузалар, видеоларларни биргаликда кўриб келишгани, қўрган видеоларларидаги маърузалар кимга тегишли эканини, ким томонидан айтилганини билмаслигини таъкидлади.

Ш.Собировнинг ёт гоёлар таъсирига тушиб қолиб, турмуш ўртоғига нисбатан шафқатсизлик қилиши оқибатида ўзига нисбатан ишончини йўқотди, ўз бошига мана шундай оғир қунларнинг тушишига сабаб бўлди. Судда унинг рафиқаси Саодат Журеванинг кўрсатмаларида турмуш ўртоғи 2012 йилдан буён Жанубий Кореяда меҳнат шартномаси асосида ишлаб келганлиги, у сўнгги вақтларда ўзгаргани, тез-тез жанжал қиладиган бўлиб қолгани, ўзи бериб келган флешкани очиб эшитишни талаб қилганлигини, чет элда юрган вақтида ҳам уни рўмолсиз

тўйга борганини қариндошларидан эшитиб қолиб, шу воқеадан кейин кўчага чиқмаслиқни, тўй-маросимларга бормаслиқни айтиб, қатъий талаб қўйиб, телефон орқали жанжаллашганини билдирди, “ҳижоб”га киришни талаб қиладигани ва бу жанжаллар ҳомиладорлиги сабабли унга ёмон таъсир қилганлиги учун бу ҳақида холасига айтиб берганлиги аён бўлди.

Саодатнинг холаси Ирода Маҳмамованинг суд мажлисида гувоҳлик беришича, ҳақиқатан ҳам Саодат Журева уни синглисининг қизи, яъни жияни бўлишини, синглиси вафот этганидан сўнг уни ўзининг қарамоғига олгани, жиянининг уйига ҳар гал борганида Кореяда ишлаётган куёви билан телефон орқали доимий тортишиб, жанжаллашиб юришига гувоҳ эканлигини билдирди. Саодатнинг изтироб чекаётганини кўриб, куёвига телефон қилиб, унга озор бераётганлигини айтганда, Шоди Собиров унга кўполлик қилиб “бизнинг ишимизга аралашманг, ўзимиз ҳал қиламиз”, деб ҳақоратли сўзлар айтганидан сўнг уйдан куёви, яъни Ш.Собировга тегишли бўлган оқ рангли флешкани сўраб олгани ва ҳуқуқчи муҳофаза қилувчи органларга топширгани ҳақида кўрсатма берди.

Хуллас, оқ рангли флешка Шоди Собировнинг умрига ўчирилмас қора доғларини қолдирди.

Суддаги яна бир гувоҳ Ш.Собировнинг отаси Н.Собиров

кексайганда суднинг қора курсисига ўтирган ўғлининг изидан суд идораларига сарсон-саргардон бўлиб юрганидан ва Шоди отасининг юзини ерга қаратганидан афсусда эканлигини ҳамда бундан пушаймон эканлигини билдирди.

Зулматда зиё бўлмаслиги аниқ. Ҳар қандай жиноят ёки ҳуқуқбузарлик ҳам жазосиз қолмайди. Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар суди томонидан Ш.Собировга Жиноят кодексида кўра, 1 йил 6 ой озодликни чеклаш жазоси тайинланди. У энди кеч соат 22:00 дан эрталаб соат 07:00 гача яшаш жойини тарк этолмайди.

Шунингдек, Ш.Собиров устидан назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик билан боғлиқ қўшимча чеклов юклатилди. Ўз оёғига ўзи кишан солган, зулматга кўл бериб хавфли гирдобга тушиб қолган бу ёш йигит нима бўлганда ҳам қилган хатоларини тушуниб етган бўлсин!

**Норбек МИРЗАЕВ,**  
 жиноят ишлари бўйича  
 Навоий шаҳар суди маъсул  
 ходими,  
**Маруса ҲОСИЛОВА,**  
 “Инсон ва қонун” муҳбири

## Ер сотган директор тўрт йилга қамалди ҳукмдан норози, бироқ...

**АЗАЛ**-азалдан халқимиз раҳбарларни ҳурматини жойига қўйиб келган. Ёшидан қатъи назар уларга ишонишган. Лекин раҳбар ёлғончи, фирибгар бўлса-чи? Бу нафақат унинг кўл остидаги одамларнинг шўри, балки унга берилган ваколатни суистеъмол қилиб, жамият равнақига ҳам пугур етказди.

Қўшработ туманидаги “Аср карвон” МЧЖ директори Шокир Раҳимов (исм-шарифлар ўзгартирилган) оқ-қорани таниган, ақл-хуши жойида, туппа-тузук бир корхонанинг раҳбари. Аслида одамнинг олмаси ичиде, деган гап тўғри экан. Қаҳрамонимиз Шокир Раҳимов мансабдор шахс бўла туриб, айрим қонун-қондалардан хабардор бўлишига қарамай, нафс балосига грифтор бўлди. У Қўшработ тумани, Навкат маҳалласидаги “Мўъжиза карвони” фермер хўжалигига тегишли 5 гектар экин майдонини, уларнинг ҳар бирига 50 сотих-

дан уй-жой қуриш учун олиб бераман, деб ўн нафар фуқарони алдаб, фирибгарлик йўли билан фермернинг ерини ноқонуний равишда сотиб юборган.

Айрим соддадил одамлар эса фирибгарнинг фирибига учиб, чув тушиб, арасида қолишди. Фирибгар раҳбарнинг бу хурмача қилиги фош бўлгандан кейин уни жиноий иши судга берилди. Аммо суд раҳбарнинг тавба-тазарруси, биринчи мартаба жиноятга кўл уришини инобатга олиб ҳамда жиноий жазоларнинг либераллаштириши сабабли унга тайинланган

жазо энгиллаштирилган. Минг афсуски, фирибгар раҳбар қилмишидан бу гал ҳам тўғри хулоса чиқармади. Бу сафар у фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш жиноятини содир этди. Самарқанд вилояти ҳудудий танлов комиссиясининг 2018 йил 19 майдиги йиғилиш баённомасига асосан Қўшработ тумани Работ қишлоғида жойлашган маънавият ва маърифат марказининг бўш турган биносини “0” қий-матда сотиб олиб, ушбу бинога 300 миллион сўм инвестиция киритиб, иш ўринларини яратаман, деб ваъда қилган.

Бироқ бинога тегишли кўп миқдордаги, яъни 100 миллион 302 сўмлик қурилиш материалларини ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилиб, жамият ва давлатнинг қонун йўли билан қўриқланадиган иншоотига зарар етказган. Фирибгар директорнинг қилмишлари жиноят ишлари бўйича Қўшработ туман судининг 2019 йил 12 январь ҳукмига кўра, Ш.Раҳимовга жазони ўтамаган қисмига тўлиқ қўшиш йўли билан 1 йилга 4 ой 19 кун моддий ва мансабдорлик ҳуқуқидан маҳрум қилиб, алдов йўли билан давлат ерини сотганлиги учун 4 йил озодликдан маҳрум қилиш

жазоси тайинланган. Лекин қилгиликни қилиб, қилган жиноятига иқроор бўлмай, Ш.Раҳимов яқинда жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судига кассация инстанциясида кўриб чиқирилиши илтимос қилган.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди Ш.Раҳимовнинг кассациясини атрофиятга ўрганиб чиқиб, унинг кассация шикоятда келтирган важдарини ўринсиз эканлиги, бу эса суд ҳукмини бекор қилишга асос бўлолмаслиги сабабли, суд ҳукми ўзгартирмасиз кассация шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилди.

Халқимизда “Букрини гўр тўғирлайди”, деган нақл бор. Бундай фирибгар кимсалар ҳаётда ҳалол яшаш ўрнига энгил ҳаётни танлаб, одамларни чув тушириб юришни маъқул кўрадилар. Қонун ҳаммага баробар. Уни четлаб ўтишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

**Ўткир МАМАДАЛИЕВ,**  
 жиноят ишлари бўйича Самарқанд  
 вилояти суди раиси ўринбосари,  
**Азим ҚОДИРОВ,**  
 “Инсон ва қонун” муҳбири



**Коррупция — жиддий таҳдид**

“ҲАР қандай миллатни йўқ қилиш учун атом бомбаси ёки узоқ масофали ракета шарт эмас. Бунинг учун таълим сифатини тушириб, имтиҳонларга алдов аралаштиришнинг ўзи кифойдир. Бу тарзда таълим олган шифокорлар қўлида беморлар ўлим топади, қурувчилар қураган уй ва бинолар вайрон бўлади, иқтисодчи ва ҳисобчилик қўлида молиявий ресурслар соевурилади, адолат ҳам шундай ҳуқуқсунос ва судьялар қўлида заволят топади. Таълимнинг инқирози, бу — миллат инқирози”. Жанубий Африка Республикаси Штелленбос университетини пештоқига шундай иқтибос ёзилган экан.

Дарҳақиқат, коррупция балоли бутун башариётнинг энг жиддий муаммоларидан биридир. Ушбу иллат ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказди, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишига олиб келади. Шу боис унга қарши кураш халқаро аҳамият касб этиб, жаҳон сиёсатининг муҳим масалалари қаторидан жой олган.

Ушбу иллатнинг келиб чиқиш тарихи ва ривожланиши масалаларини ўрганган Никколо Макиавелли уни йўталга қиёслаган шундай деган эди: “Коррупцияни ҳам йўталга ўхшаб олдин аниқлаш қийин, аммо даволаш осон, лекин бу касални ўтказиб юборсангиз, уни аниқлаш осон, аммо даволаш қийин”.

Президентимизнинг Олий Мажлиси навбатдаги Мурожаатномасида жамиятимизда коррупция илллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққийлаётганига ҳов бўлаётганини алоҳида айтиб ўтиб: “Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимишга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиш. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак”, деб таъкидлади.

Ҳозирги даврда коррупция кўпгина давлатларнинг иқтисодини ва сиёсий салоҳиятини ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Унга қарши курашиш, мунтазам равишда амалга оширилиши зарур бўлган долзарб вазифалардан бирига айланди.

Сир эмас, агар жамиятда қонун устуворлиги таъминланмаса, одамларда нафақат бугунги, балки эртанги кунга ҳам ишонч йўқолади. Қаерда шахсий манфаат ҳар нарсадан устун қўйилса, уша жойда коррупция авж олиб, охири-оқибат давлат таназулга учрайди.

Шунинг учун ҳам давлат органлари ходимларининг поклиги ва ҳалоллиги катта аҳамият касб этади. Президентимиз жуда кўплай маъруза ва чиқишларида лоқайдлик, бепарволик, порахўрлик, коррупция, сохтакорлик, мансаб ваколати сунистеъмол қилишга қарши кураш бутун жамиятнинг максодиға айлангани кераклиги тўғрисида гапирди. “Коррупция билан ҳеч қачон максадимизга эриша олмаймиш”, дея алоҳида таъкидлаб, унга қарши курашишни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари мута-саддидларига асосий вазифа сифатида қўяди.

Демак, коррупцияга қарши курашишда ҳалоллик, бирдамлик, ўзаро ҳамкорлик ва яқдиллик талаб этилади.

# “ҲАЛОЛЛИК ВАКЦИНАСИ” — ЮКСАЛИШ КАФОЛАТИ

## ИНСОНИЙЛИК БЕЛГИСИ

Ҳалоллик — бу инсонлар учун рухсат қилинган яхши, ижобий ишлар, хатти-ҳаракатлар мажмуаси, меҳнат эвазига топиладиган нарсалар, шунингдек, пок ва тоза озиқ-овқатлар сираси. Ҳалоллик янада кенгроқ маънодаги жиҳатлари бу турмушдаги ҳалоллик, савдо-сотикдаги ҳалоллик, дўстлар ўртасида ҳалоллик ва ҳоказолар. Юраги, қалби пок ва тоза, ҳалол

ват ҳақида гапирмасдан, ҳалоллик ҳақида сафсата сотишади. Ҳалоллик ҳақида сўз очсангиз, сизни оми ёки замондан ортда қолган шахсга чиқаришади.

## ҲАЛОЛЛИК УЧУН КУРАШИШ КЕРАК!

Ҳалоллик учун курашиш самарасиз, дейдиганлар асло янгилашади. Ҳалоллик учун курашиш керак! Бунда самарали усуллардан, яъни тарбиявий таъсир ўтказиш, тушунтириш, инсоф-диёнатга қақриш,

қарайдиган, манфаатпараст шахслар томонидан тўқиб чиқарилгандек туомлади, гўё.

Дарҳақиқат, ҳалолликда гап кўп. Айрим инсонлар нафсининг қўлига айланиб, жамиятга, оиласига зарар етказишади. Қинғир ишларга қўл уриб, пировардида, мушкул аҳволда тушишади. Айрим инсонлар эса мансаб ваколатларини сунистеъмол қилиб, пора оладилар ва ўзларини тубсиз жарликка ташлайдилар.

Абулқосим аз-Замашарий бу борада: “Кимки ўз нафси-балосио, оруз-ҳаваси домига тушиб қолса, у бешак ўзини ўзи чуқур қаърига ташлагани муқаррар”, — дейди.

## ТАМАГИРЛИК МАЪНАВИЙ ТАНАЗУЛ, ДЕМАҚДИР

Тамағирлик — инсонга хос бўлган яна бир салбий иллатлардан биридир. Маълумки, тамағирлик — бировдан бир нарса қутуш ва унинг илнжиди бўлиш, моддий наф қўриш, очқўзлик, бойлик орттиришга интилиш ва шу каби гаразли ниятлар билан қилинган хатти-ҳаракат. Унинг шакллари, турлари, даражаси ва бошқа жиҳатлари жамиятнинг умумий табиатига боғлиқ бўлади. Муайян бир жамият тарихида тамағирлик қучайган ёки сусайган даврлар бўлиши мумкин.

Ҳалол меҳнат қилиб, шунга яраша даромад топаётган кишида тамағирликка эҳтиж бўлмайди. Моддий наф орқали қилинаётган тамағирликнинг замирида меҳнат қилмай туриб даромад топиш илнжи этади.

Зеро, ҳазрат Навоий бобомиз меросида ҳам тамағирлик қоралланган. Сўз мулкнинг султони тамага қаноатни қарама-қарши қўяди. Унинг қатъий нуқтани назарига қўра, қаноат бахт келтиради, тама эса — бахтсизлик.

Тамағирлик ва порахўрлик билан орттирилган бойлик ҳаром саналади. Зеро, меҳнат билан топилган бойлик қадридлир. Ҳалол меҳнатнинг қадрини билганларгина пешона тери эвазига келган бойликини қадрлайди, тежайди, ноўрин сарфламайди.

Ўғирлик қилиб бировни қақшатиб орттирган молу давлати, порахўрлик билан топан бундан унинг учун хузур беради ва билдан завқланади. Бундайлар жамият учун зиён. Улар фақат қонун қучидан қўрққанидан, кимнингдир назорати тўғрисида қўлга тушиб қолмаслиқдан чўчиб, эл кўзида номигагина меҳнат қилади. Биров кўрмайдиган, гувоҳ бўлмайдиган ҳолат бўлгани, дарҳол давлат, эл мулкига чанг солади, ўғирлик, порахўрлик каби жирканч ишлар билан шуғулланади. Бундайлар юрт равнақи, эл фаровонлигини ўйламайди. Нопоклар кўпайган жойда эса маънавиятга путур этади.

## “ЙИҒ-ЙИҒ”ЛАРИНИНГ ВАҚТИ ЎТДИ

Маълумки, коррупция, тамағирлик иллатининг оддий ва ҳаммамиз биладиган жиҳатларига эътибор қаратолмаймиш. Энг майда ҳолатлар ҳам назардан четда қолади. Масалан, кўпчилик назарига жуда оддий бўлиб кўринадиган меҳмондўстлик ҳам назаримизда ноқонуний ҳаракатлар учун замин яратди.

Юқори давлат органи ходими ҳудудларга хизмат сафарига борганда уни меҳмон қилиш ҳаммамиз учун оддий ҳол бўлиб кўринади. Бироқ бунинг оқибатида “нозик меҳмон”ни рози қилиш учун пул йиғиш кўпчиликнинг норозилигини келтириб чиқаради. Шу сабабли



юрган инсонлар ҳамisha хотиржам бўлади. Кўнгли равшан, доимо сиҳат-саломат юради.

Инсонийлик хислатлари ичида энг олийси — бу ҳалоллик бўлса керак. Ҳалоллик инсонни эл орасида юқориға кўтарадиган, унга фақат эзгуликлар олиб келадиган хислатдир. Ҳалоллик инсонга обрў-эътибор ҳада этади.

Хоразмлик қомусий олим, буюк аллома Маҳмуд аз-Замашарий бу ҳақда шундай насиҳат қилади: “Ҳалол ва покиза киши доимо хотиржам, тинч юради, бироваги хиёнату нопоклик қиладиган киши эса ҳалокатга гирифтор бўлади”.

Ҳалоллик кишиларнинг мол-мулкига ола қарамаслик, бировларнинг топан маошини сарфламаслик, жамоат ва давлат мулкини ҳалол асраш, пора олмаслик, бирини мингга пуллаб, текин даромад кетидан қўвмаслик, ўзларини ғайрату шижоати билан топан, озгина бўлса-да ҳалол пулига қаноат қилиш, сабр-тоқатли бўлиш, топанга шукроналар айтишдир.

Бировнинг моли бошқа бировага вафо қилмаслигини, ҳаром мол икки дунёда кишига буюрмаслигини, ўз манфаати, фойдасини кўзлаб, бировнинг ҳақидан ҳазар қиладиган, эзгулини дилларига маҳкам жойлаб олган софидул покиза виждонли кишилар бунинг яхши тушунадилар ва бунга қатъий амал қиладилар.

## Саъдий Шерозий шундай дейди:

Покиза бўлмаса кимнинг қилмиши,  
” Ҳикмат сўзи билан тузалмас иши.

Ҳалол ва пок инсонлар жамиятнинг нақшидир. Ҳалоллик ҳақида гапирш осон, аммо унга амал қилиш жуда қийин. Ҳалолликни касб қилган, бу йўлни танлаган инсон бундай фазилат билан ҳамisha фахрланади. Бироқ айримлар кейинчалик нопок йўлни танлаб боши берк кўчага кириб қолганликларини кеч англашади. Кўпинча, бунга баднафслик сабаби бўлади. Борига шукр қилмаслик, эҳтижга эрк бериш эса нафсини рағбатлантиради.

Ҳозир ўз нафсининг қўлига айланаётганлар кўп. Қинғир йўллар билан бойлик орттириб, оғиз кўпиртириб меҳр-мурӯват, сахо-

ҳаттоки уялтириш ёки танбеҳ бериш йўлларини танлаган маъқул. Биламизки, оилада ота-она, иш жойларида, аввало, раҳбарлар бошқаларга ҳалолликда ибрат кўрсатиб, ўзларининг инсонийлик хислатларини намоян этади. Агарда, инсон коррупция ва порахўрлик урчиқлар муҳитга тушиб қолса, ҳаётида ҳаром нима-ю, ҳалол нима эканлигини фарқлай олмайди.

Ҳаётда сабуру қаноат, инсофу диёнат каби соф туйғулар инсон деган олий зотга ҳамisha ҳамроҳ бўлса, унинг қалбиди ҳам фақат тоза туйғулар бўлади. Бундай туйғуларни назар-писанд қилмай диганларнинг икки дунёда қосаси оқармайди. Бу ҳаётини тажрибаларда кўп марта синовдан ўтган “Сабр қилсанг гўрадан ҳолва битар, сабрсизлар ўз оёғидан йиқар”, деган экан машоийҳлар.

Кимки кўп китоб ўқир экан, ота-боболаримиздан ўтган, кечган воқеа-ҳодисаларни кўнл билан тинглаб, унга амал қилишга интилар экан, у ҳеч қачон “ҳалол” билан “ҳаром” ўртасидаги фарқни ажратолмай, ҳайрон бўлиб қолмайди, балки буларнинг фарқини, яхши-ёмон томонларини англаб олади. Шундай кишилар ўз ҳаёти давомида йиқилмай-сирилмай, ўз ишини, бахту саодатини, тинчлигини, фаровон турмушини бунёд этишда эркин бўлади.

Шундай экан, инсоннинг энг олижаноб фазилатларидан бири — ҳаётда ҳалол яшаш, яъни ҳалол меҳнат қилиш, пешона тери тўқиб пул топиш, эл-улус ўртасида лафзини ҳалол тутуш, оиласида ҳалол бўлиш, фарзандларини шунга ўргатишдан иборат. Ҳалол меҳнатдан топилган бир сўмнинг қут-баракаси ҳаромдан келадиган миллиондан ортик саналади.

Ҳалолликнинг энг катта душмани — тамағирлик ва порахўрлик. Бунга муккасидан кетганлар оёғи ердан узилиб, ҳеч кимни менсимайди, босар-тусарини билмай қолади, ўзлигини йўқотади, инсоф-диёнат тушунчалар уни қизқирмайди, бадфъел қўёғига айланади. “Йўлни топибдими, қаддини урсин”, “Узумини енг-у, боғини сурштирманг”, деган мақоллар бойлик ва мол-дунёни қандай йўллар билан топаётганига лоқайд ва беларво



**Азизжон ФАЙЗИЕВ,**  
Ички ишлар вазирлиги кадрлар бош бошқармаси МТБ инспектори, капитан

давлат органлари ходимлари хизмат сафари давомида маҳаллий идоралар ходимлари билан оқватланмаслиги талаб этилади. Чунки “Йиғ-йиғ”ларнинг даври ўтди.

Шунинг учун жамиятда коррупцияга нисбатан муроасиз муносабатни қарор топтириш ўта долзарб масала бўлиб, гарчи уни бажариш доирасида масъул идоралар белгиланган бўлса-да, унинг тўлақонли рўёбга чиқиши учун ҳар бир фуқаро ўзида масъулият ҳис этса, қўйилган мақсад ва муддаолар ечими пайдо бўлади. Ҳар биримиз қаерда, қандай муаммога дуч келсак, унинг ҳал этилишида масъул шахсларнинг масъулиятсизлиги ёки тамағирлигига гувоҳ бўлганда бунга лоқайдлик билан қарамасдан қатъий позициямизни намойиш этиш керак. Барчамизда фаоллик кузатилмаса, порахўрлик, тамағирлик каби ҳолатлардан оғох қилинмас экан, иллатдан бутунлай қутулишнинг илжиси йўқ. Аввало, адолатсизликка нисбатан муроасизликни ўзимиздан бошлашимиз даркор. Шунда кўзини тўрларда си ё ёсган мансабдор ўйғонади, зиммасида қандай масъулият борлигини ҳис этади.

## ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ

Япон мактабларидан бирида ҳажон тарихиди энг буюк кашфиёт нима, деган сўрвонма ўтказилган экан. Бу сўрвонмада иштирок этганлар ўзлари мўъжиза, деб билган турли нарсаларни тилга олишган: олов, двигател, атом, электроника ва бошқа бир неча нарсалар. Бироқ қатнашувчилар ичида бир ўқувчининг “Энг буюк кашфиёт — китоб”, деб билдирган жавоби ҳайрат аъзоларига маъқул тушган экан. Китоб бўлмаса қолган барча кашфиётлар ихтиро қилинмасди, деган фикрга келинади.

Дарҳақиқат, турли иллатлардан сақланиш, уларга қарши туришнинг энг мақбул йўли — маънавий олами бутун шахсларни тарбиялаш. Кўп китоб ўқиган киши ҳар қандай ёт таъсирлардан ақл, билим билан ҳимояланган бўлади, ўзида мафкуравий иммунитетни ҳосил қила олади. Шунинг учун ёш авлодини кўпроқ китоб ўқишга даъват этишимиз, шу йўл билан уларни порлоқ келажак сари бошлаш аини муддаодир. Давлатимиз раҳбари томонидан китобхонлик маданиятини шакллантириш масаласи кун тартибига бежиз қўйилмади.

Китоб — инсон маънавияти ва дунёқарабини юксалтирувчи муҳим манба ҳисобланади. Китоб ўқиган инсон мулоҳазали, билими бўлиб, юксак тафаккури ила бошқалардан ўзининг дунёқарабини ва фикрлиши билан ажралиб туради. Китоб билан ошно бола яхши инсон бўлиб улғаяди. Поклик ва ҳалоллик туйғуларни шаклланади. Шунинг учун ҳам оилада, боғча ва мактабларда болаларнинг китобга меҳрини, адабиётга қизиқшини ошириш ота-оналарнинг ўқитувчиларнинг вазифасидир.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашининг барча ҳуқуқий асослари яратилган бир пайтда юртдошларимиздан ҳушёрлик, оғоҳлик ва жиддий масъулият талаб этилади. Шундагина тараққийтимиз янада бардавом, турмушимиз эса фаровон бўлиб бораверди.

## ОИЛАВИЙ МЕҲМОН УЙЛАРИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ?

?


— МЕН уйимда оилавий меҳмонхона ташкил этмоқчи эдим. Қонунчиликка кўра, бундай фаолият учун қандай талаблар бор?

**Исроилхон БОТИРОВ,**  
Китоб тумани

— Оилавий меҳмон уйлари ушбу меҳмон уйларида уй эгасининг оила аъзолари билан бирга яшаш тамойили бўйича бир вақтнинг ўзига 10 нафаргача ташриф буюрувчиларга (туристларга) вақтинча яшаш ва (ёки) овқатланиш бўйича хизматлар кўрсатувчи, шунингдек, ҳар бир яшовчига 3 м<sup>2</sup> ҳисобидан тўғри келадиган зарурий тураржой майдонига эга бўлган хусусий уй-жой ҳисобланади.

Оилавий меҳмон уйлари хизматлари оилавий меҳмон уйи ташкил этиш учун яроқли тураржой биносига эга бўлган ва унда яшовчи хусусий тадбиркорлар ёки оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилади.

## КАДАСТР КИТОБИ ЙЎҚОЛГАНДА НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?



— УЙИМНИНГ кадастр китоби йўқолган. Кимга мурожаат қилишим мумкин? Хужжатни қайта янгилаб олиш учун пул тўланадими?

**Турсун РАҲМАТОВ,**  
Навоий шаҳри

— Айни кунда мазкур давлат хизматини олиш учун истаган Давлат хизматлари марказига бориб мурожаат қиласиз. "Кўчмас мулк объектларининг давлат кадастри соҳасида давлат хизматлари нархлари Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июлдаги "Кадастр хужжатларини тайёрлаш бўйича давлат хизматлари нархларини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори билан белгилаб қўйилган. Унга кўра, кўчмас мулк объектларининг тураржой фондида оид қисмига кадастр ишини тайёрлаш ва кадастр хужжатларини расмийлаштириш учун кўп квартиралли уйдаги квартирага объектнинг 1 квадрат метри учун базавий ҳисоблаш миқдорининг (энг кам иш ҳақининг) 1 фоизи, 25 фоизга кўпайтирилган ҳолда тўлов йиғими ундирилади.

Шуни айтиш керакки, кадастр хужжати йўқолганда (яроқсиз ҳолга келганда) унинг нусхаси (дубликати)ни тайёрлашнинг нархи кўчмас мулк объекти кўрсаткичлари ўзгартирилмасдан, хизматлар умумий қийматининг 50 фоизини ташкил қилади. Кадастр ишини янгилаш зарурати юзга келганда янги ташкил қилинган (реконструкция қилинган) кўчмас мулк объектлари хатловдан ўтказилади.

Саволга Давлат хизматлари агентлиги Навоий вилояти бошқармаси бош маслаҳатчиси Хуршид ЖУРАЕВ жавоб берди.

## МАЪЛУМОТНОМАНИ КИМ БЕРАДИ?

?

— РУҲИЙ касалликлар ҳамда наркология диспансерлари томонидан фуқароларнинг ҳисобда туриши ёки турмаслиги тўғрисидаги маълумотномалар қай тартибда берилади?

**Роҳила ҚУРБОНОВА,**  
Конимех тумани

— Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат тиббиёт муассасалари томонидан фуқароларга маълумотномалар бериш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 18-сонли қарорига мувофиқ, 2020 йил 1 апрелдан бошлаб руҳий касалликлар бўйича диспансер ҳамда наркология диспансери томонидан фуқароларнинг ҳисобда туриши ёки турмаслиги тўғрисидаги маълумотномани тўғридан-тўғри бериш амалиёти бекор қилинди. Фуқароларга мазкур икки турдаги тиббий маълумотномалар фақат Давлат хизматлари марказлари ёки ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали тақдим этилади.

Бунда ариза берувчи Давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганда, унинг сўровномаси Давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, ариза берувчи томонидан тасдиқланганидан сўнг барча хужжатлар реал вақт режимида ваколатли органга электрон шаклда юборилади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса сўровнома автоматик тарзда ваколатли органга юборилади.

Давлат хизматлари маркази маълумотнома келиб тушгандан сўнг реал вақт режимида уни ариза берувчининг электрон манзилига юборди ва ариза берувчини бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади. Давлат хизматлари маркази ариза берувчи ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда, ариза берувчининг сўровига кўра, унга маълумотномани электрон шаклда ёки қоғоз шаклида муҳрини босиб, масъул ходимнинг имзосини қўйиб бериши шарт.

Давлат хизмати Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатилгани учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2,0 фоизи миқдорига йиғим ундирилади (ногиронлиги бўлган ёки тўлиқ давлат таъминотидаги фуқаролар бундан мустасно).

Саволга Конимех туман Давлат хизматлари агентлиги директори Фарҳод БҮРИЕВ жавоб берди.

## САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

### ЧИҚИНДИЛАРНИ КИМ ТОЗАЛАЙДИ?

?

— Уйдан кўчага чиқсак ҳам-маёқ чиқиндига тўлиб ётади. Айтинг-чи, ободонлаштириш бўлими ходимлари қайси ҳудуддаги чиқиндиларни тозалаш керак, умуман уларда мажбурият борми?

**Назокат ЮСУБОВА,**  
Тошкент шаҳри



— Ҳақиқатан ҳам атрофга қарасак, баъзида дилни хира қиладиган чиқиндиларга кўзимиз тушади. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги қарори билан тасдиқланган "Санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш ҳамда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш қоидалари"нинг (4-5-бандлари)га биноан:

— шаҳар ва туманлардаги ободонлаштириш бошқармалари айнан ободонлаштириш объектларидаги тозалаш, маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш ишларини ташкил қилишга масъулдир.

Қоидаларнинг 2-бандига асосан ободонлаштириш объектларининг маиший чиқиндилардан тозаланиши керак бўлган ҳудудлар ва жойларига қуйидагилар кирди:

- кўчалар;
- айланма кўчалар;
- йўллар;
- марказий майдонлар;
- йўлкалар;
- кўприклар;
- туннеллар;
- йўловчилар ўтадиган ерости йўллари;
- фавворалар;
- ариқлар, каналлар, дарёлар, кўллар ва бошқа сув ҳавзаларининг қирғоқлари;
- аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини ва ҳордиқ чиқаришини қондириш учун фойдаланиладиган объектлар (маданият ва истироҳат боғлари, ўрмон массивлари, боғлар, бульварлар, хиббонлар);
- дренаж (дренажнинг вертикал, ёпиқ ва очик горизонтал, ёпиқ коллектори), ирригация новлари тармоқлари.

Саволга адвокат Гавҳар ШЕРЖОНОВА жавоб берди.

### ХОДИМЛАР РАҲБАРДАН НОРОЗИ БЎЛСА ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТУТИШИ КЕРАК?



— ТАШКИЛОТ ёки муассасага тайинланган раҳбарнинг иш услубидан ва ноқонуний ишларидан жамоа ходимлари норози бўлсалар, бу ҳақда тегишли ташкилотларга қилган мурожаатлари эътиборга олинмаса, жамоада носоглом муҳитга барҳам бериш учун раҳбарга нисбатан қандай чоралар қўлланиши мумкин? Бу вазиятда ходимлар қандай йўл тутishi керак, шу ҳақда тушунтириш берсангиз?

**Д.НАБИЕВ,**  
Самарқанд вилояти, Тойлоқ тумани

— Агар ташкилот ёки муассасага тайинланган раҳбарнинг иш услубидан ва ноқонуний ишларидан жамоа ходимлари норози бўлса, уларда бу ҳақда асослантурувчи хужжатлар билан маъмурий суд органларига мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжуд.

Саволга Самарқанд вилояти адлия бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари Дилмурод АҲМЕДОВ жавоб берди.

### АТТЕСТАЦИЯ УЧУН ХУЖЖАТЛАР НОТАРИАЛ ТАСДИҚЛАНАДИМИ?

?

— ТИББИЁТ ходимиман. Яқинда аттестациядан ўтиш ва малака тоифамни янгидан олиш мақсадида малака оширганлигим тўғрисидаги хужжатларимнинг нусхаларини тасдиқлаштириш учун нотариал идорага мурожаат қилганимда нотариус менга Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғига биноан ушбу хужжатларни нотариал тасдиқлаш бекор қилинганлигини айтди. Ушбу масалада менга тушунтириш берсангиз?

**З.АБДУЛЛАЕВА,**  
Бухоро шаҳри

— Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга асосан тиббиёт ходимлари малака тоифасини олиш учун аттестациядан ўтказувчи тегишли органга хужжатларини топширганида уларнинг нусхаларини нотариал тасдиқлаш талаб этилмайди.

Саволга Бухоро шаҳар 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси Мафуза САТТОВА жавоб берди.

# Жамият тараққиёти ТУРИЗМГА ҚАНЧАЛИК БОҒЛИҚ?

МАЪЛУМКИ, туризм иқтисодийнинг энг муҳим бўғинларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон ҳудудига ўлмас обидалар ва дунё цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган тарихий жойлар жуда кўп. Бугун юртимизнинг қайси бир гўшага борманг, халқимиз учун, юртимизга ташриф буюраётган меҳмонлар учун яхши ва энг замонавий қулайликлар яратилаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Албатта, бугунги кунда юртимиздаги тарихий-маданий зиёратгоҳ жойлар, экотуризм масканларини сақлаш, уларни кўпайтириш ишларига бўлган эътибор ҳар қачонгидан ҳам қўйилганлигини тан олиш керак. Бу эса юртимизга сайёҳлар оқимининг кўпайишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонга келаётган сайёҳларга кўрсатилаётган меҳмонхона хизматлари жаҳон стандартларига мос равишда ташкил қилинаётганлиги ҳам бу борадаги ишларга янгича мазмун касб этмоқда. Жамият тараққиёти кўп жиҳатдан туризмга боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Жумладан, бизнинг ишлаб чиқариш корхонамиз таркибидаги "Камилла" меҳмонхонаси ҳаётида ҳам 2018-2019 йиллар туризмининг ривожлантириш борасида масъулиятли давр бўлди. 2001 йилда қурилган 25 ўринлик меҳмонхона янада кенгайтирилди, бино қайтадан реконструкция қилиниб, 3 қаватли бино 5 қаватга бўй қўзди. Хоналар сони 80 тага, қабул қилиш қуввати 160 нафарга етди. Бинонинг биринчи қаватидagi конференц зал, ресторан кенгайтирилди, сауна, ҳаммом, дам олиш хоналари, кичик меҳмон кутиш заллари ташкил қилинди.

Ҳудудда ички туризмининг ривожлантириш мақсадига Қизилтепа туманининг Тўдакўл кўли жанубий қирғоғидан олинган 14 гектар ерда ободонлаштириш ишлари бажарилиб, 24 ўринлик 6 та мослаштирилган махсус модулли кўчма (контейнер) уйлар замонавий усулда тайёрланиб, жиҳозлаб қўйилди. Бундан ташқари, 2020 йилнинг биринчи мавсумида меҳмонларни қабул қилиш учун 10 та монгол, 1 та қорақалпоқ ва 2 та қозоқ оرتалари сотиб олинди. Шу кунларда меҳмон ва сайёҳларнинг мазкур ҳудудларга олиб бориш учун транспортга эҳтиёж бўлганлиги сабабли Хитой давлатининг "JAC MOTORS" компаниясидан 3 та "JAC SUNRAY" туризм тоифасига оид микроавтобуслар сотиб олинди.

Мамлакатимизнинг барқарор

ривожланиши ва экологик хавфсизлигига эришиш, ҳозирги ва келажак авлод учун қулай атроф-муҳитни яратиш ҳамда табиий ресурсларни муҳофаза қилишга йўналтирилган давлат сиёсатини рўйбга чиқариш мақсадида янгидан ташкил этилган Ўзбекистон Экологик партияси аъзоси ва шу партиядан сайланган депутат сифатида экологик муаммоларнинг ечимини топишга масъулмиз.

Бу борада Президентимизнинг мамлакатимиз ҳаётида янги ўзгаришларни мустаҳкамлайдиган, "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони бизга дастурил-амал бўлди.

Дастурнинг энг муҳим жиҳатларидан бири бу экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласига ҳар доимгидан кўра юз карра кўпроқ эътибор бериш масаласидир.

Давлат дастурида бу муҳим масалага Вазирлар Маҳкамаси манфаъдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу йўналишда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини, шу жумладан, Уй-жой кодексининг янги таҳрири, Экология кодекси лойиҳаси, "Сув таъминоти ва оқова хизматлар тўғрисида"ги ва Ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш концепцияларини ишлаб чиқиш асосида алоҳида эътибор қаратилган.

Албатта, депутатликнинг ўзига яраша ташвиши, масъулияти бор. Бу масъулиятни ҳис этган ҳолда сайловчилар олдига чиқиш 5 йил давомида осон бўлмайдиган, албатта. Бунинг учун ишлаш, изланиш, муаммоларга ечим топиш талаб этилади.

Хатирчи туманидан вилоят Кенгаши депутатлигига сайланганимга қадар шу округдаги барча қишлоқ, мактаб ва маҳаллаларга бориб, улар билан учрашувлар ўтказиб, уларнинг саволларига жавоб беришга ҳаракат қилдим.

Яқинда Зарафшон маҳалласида сайловчилар билан бўлаётган учрашууда мазкур ҳудуддаги аҳолини қийнаётган асосий муаммолардан бири ичимлик суви ҳамда бир қисм йўлларнинг талабга жавоб бермаслиги, кўчаларнинг ёритилмаслиги, ёшларни иш билан



таъминлаш муаммолари мавжуд эканлиги маълум бўлди. Ва бу муаммоларни ижобий ҳал этиш борасида биринчи навбатда шу ҳудудни, ундаги маҳаллий шароитни яхши ўрганиш лозим. Бу муаммолар ечими ҳақида далиллар асосида маҳаллий ижро ҳокимияти билан ишлашни ҳам билиш ва мутасадди раҳбарлардан муаммолар ечимига қонуний нуқтаи-назардан жавоб топиб беришларни талаб қила билиш зарур.

Бундан ташқари, аҳоли билан бўлган учрашувларда барчани ўз уйлари атрофига, фермерлар ўзларига тегишли ҳудуддаги йўл ёқаларига дарахтлар экишлари тавсия этилди, суви тежаш, ариқларга чиқиндиларни ташламаслик, электр энергияни тежаш масалаларига эътибор қаратишлари сўралди.

Маҳаллада яқинда ўтказилган учрашууда эса шу ҳудудда истиқомат қилувчи нафақахўр, ижтимоий жиҳатдан кўмакка муҳтож Бахтиёр Раҳимов ва Улуғ Ватан уруши қатнашчиси 94 ёшли Махмет ота Суллонов ҳамда 84 ёшли онахон М.Қурбонвалар ҳаёти билан ҳам танишдик. Уларга керакли ёрдамлар берилди.

Бундан ташқари, биз депутатлар сайловчилар билан бўлаётган учрашувларда фуқароларнинг атроф-муҳитга бўлган эътиборини яхшилаш, уларда экологик маданиятни кучайтириш борасидаги тарғибот ишларини ҳам жонлантиришимиз зарур.

**Фарҳод ЭРНАЗАРОВ,**  
 Навоий шаҳридаги "Трайдинг сервис" ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари,  
 Халқ депутатлари Навоий вилоят кенгаши депутати

## КИЙИМ-КЕЧАКЛАР ҲАМ ЧИКИНДИ(МИ?)

МАЪЛУМОТЛАРГА кўра, сўнги 15 йилда кийим ишлаб чиқариш 2 мартага кўпайди. Бу эса куйидаги оқибатларга олиб келмоқда:

— ҳар йили дунёда 2 миллиард дона жинси шим тикилади. Ҳар бир шимни ишлаб чиқариш учун 7000 литр сув, футболка учун эса 2500 литр сув сарфланади. Бунча суви битта инсон 900 кун давомида истеъмол қилади.

Синтетик кийимлар кўпайиб, уларни ишлаб чиқаришга нефть ва газ сарфланади.

Кийимни бўяш учун 1,7 миллион тонна турли хил химёвий моддалар ишлатилади. Уларнинг аксарияти инсон соғлиғи учун зарар. Кийимда эндокрин, юрак тизимлари, нафас олиш йўлларига салбий таъсир кўрсатади, саратон, бепуштлиқ, диабетни келтириб чиқаради. Ювганда сувга чиқадиган зарарли моддалар атрофни заҳарлайди. Синтетик кийимлар ювилган оқова сув 25 фоиз микропластикни сувга чиқаради, улар эса дарё, ҳовуз ва денгизга оқизилади. Бугунги кунда 100 хилдан ортиқ денгиз ҳайвонлари танасидан микропластик топишган.

Ҳар йили 400 миллиард м<sup>2</sup> матодан кийим тикилганда 60 миллиард м<sup>2</sup> қийтиқ, текстил чиқиндилар чиқарилади. Ҳар йили дунёда 80 миллиард дона турли хил кийимлар ишлаб чиқарилади. 2 ойдан сўнг уларнинг 4/1 қисми чиқиндига ташланади.

Ўртача одам бугун 60 фоизга кўпроқ кийим сотиб олади. 15 йил илгари бу 25 фоизни ташкил этган.

Табиий маҳсулотлардан мато ишлаб чиқарса бўлармикан?

## ИНСОНИАТ САЙЁРАДАГИ 83 ФОИЗ ҚУШ ВА ҲАЙВОНЛАРНИ ҚИРИБ ЮБОРДИ

ИНСОНИАТ ривожланиб бошланганидан буён сайёрадаги 83 фоиз сут эмизувчилар, қушлар, судралиб юрувчилар, ҳайвон ва балиқларни қириб юборган. Бу ҳақда "The Guardian" газетаси Бутунжаҳон ёввойи табиат жамғармасининг йиллик ҳисоботига асосан ёзмоқда. 4 йил аввал бу кўрсаткич 52 фоиз эди. Ёввойи табиат учун асосий хавф қишлоқ ҳўжалиги учун ерларни ўзлаштириш бўлиб, қуруқликнинг 4/3 қисми ҳозир инсонлар томонидан эгаллаб олинган. Иккинчи муаммо ҳайвонларни қўнғилхушлик учун ўлдиришдир. 300 турдаги сутэмизувчилар айнан браконьерлик ва ов оқибатида йўқ қилинган. Учтинчи хавф, кимёвий ифлосланишдир. Қуруқлик ва сувнинг кимёвий ифлосланиши оқибатида жонивор ва балиқлар ўлмоқда. Тўртинчи хавф — ўрмонларнинг кесилиши. Жанубий ва Марказий Америка, Осиё ва Сибирда 89 фоиз қуш ва жониворлар ўрмонларнинг кесилиши натижасида қирилиб кетди.

Агарда бу ваҳшийликларни тугатиб, бирорта жониворнинг ўлишига йўл қўйилмаган тақдирда ҳам, табиатда уларнинг тикланишига 5 миллион йил керак бўлар экан.

Гулноз ҚҮЛБОЕВА,  
 Термиз туманидаги 1-сонли умумий  
 ўрта таълим мактаби инглиз тили ўқитувчиси

## ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган "Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида"ги Низомнинг 28-банди ижросини таъминлаш мақсадида вазирлиқнинг 2020 йил 4 мартдаги 66-ум-сон буйруғига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2017 йил 22 мартда 110-сон билан давлат рўйхатига олинган Нўкус шаҳри, А.Досназаров кўчаси, 64-ўйда жойлашган "YURIST NILUFAR ALLBERGENOVA" адвокатлик бюроси (СТIP: 202 250 218) давлат рўйхатидан чиқарилди.

Жумаева Дилором Чориевнага Республика тиббиёт коллежи томонидан 2019 йилда берилган №5816472 рақамли диплом йўқотганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан "Адвокатура тўғрисида"ги

Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2020 йил 28 февралдаги 66-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "ODIL ADVOKATLAR" адвокатлик фирмаси адвокати Маҳаматкуллов Шукржон Раҳимбердиевич номига бошқарма томонидан 2018 йил 27 декабрда берилган SA 000205-сонли адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2018 йил 21 декабрда Каримова Нигора Раҳимовнага берилган TN 000037 рақамли адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия асосида берилган адвокатлик мақоми учун ошайдиғанин муддатда амалга оширилмаган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилуғига қадар ёқуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига қўнғилхуш қадар бўлган давргача тўхтатилди.

Навоий вилоят адлия бошқармасининг 2020 йил 25 февралдаги 35-ум-сонли буйруғига асосан Тян Клара Николаевнага бошқарма томонидан 2018 йил 28 декабрда берилган NV №000018-рақамли адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан адвокат Иномшаев Носиржон Аъзамовичга 2019 йил 25 ноябрда берилган NA 000188-сонли адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунининг 16-моддасига асосан "NIZAM USTILIGI" адвокатлар ҳайъати адвокати бўлган Давлатмуратов Дамехан Бегдўллаевнага 2018 йил 29 декабрдаги QR

№000020-сонли адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва адвокатлик мақомининг амал қилиши Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирининг 2020 йил 27 февралдаги 53-ум-сонли буйруғига асосан тугатилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунининг 16-моддасига асосан, "RAJAJOVA SHUKURJON" адвокатлик бюроси адвокати бўлган Ражапова Шукржонга 2018 йил 29 декабрдаги QR №000096-сонли, "YUSTUS-XOJELI" адвокатлик бюроси адвокати бўлган Джаксыларов Ондасын Кобеновичга 2018 йил 29 декабрдаги QR №000071-сонли, "KUSH ADILLIKTE" адвокатлар ҳайъати адвокати бўлган Каримходжаев Жолдасбай Шариповичга 2019 йил 11 январдаги QR №000118-сонли ҳамда Қошанов Низаматдин Нуржановичга 2018 йил 29 декабрда берилган QR №000008-сонли адвокатлик фаолияти билан шугулла-

ниш ҳуқуқини берувчи лицензиялари ва адвокатлик мақомларининг амал қилиши Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирининг 2020 йилдаги 17 февралдаги 34, 35, 36, 37-ум-сонли буйруқларига асосан тугатилди.

Жиззах вилоят адлия бошқармаси томонидан адвокат Примқулов Шавак Илхомовичнинг адвокатлик тузилмасига қайта кириши муносабати билан унинг адвокатлик мақоми 2020 йилнинг 20 февралдан бошлаб тикланганиги маълум қилинади.

Жиззах вилоят адлия бошқармаси томонидан адвокат Содиқ Ғомонович Шукуровага 2018 йил 28 декабрда берилган GZ-000042-сонли лицензия ва адвокатлик мақомининг амал қилиши 2020 йилнинг 20 февралдан бошлаб тикланганиги маълум қилинади.

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқулов Акбар Жўрабоевич  
 Рабинов Шерзод Миржалилович  
 Тоқиев Фуқрат Шомуродович  
 Искандаров Ербек Нурбекович  
 Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган қўлёзмалар таъриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Навбатчи  
 Гулҳай Нурметова  
 Саҳифаловчи-дизайнер  
 Жасур Тожиев

## Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйда чоп этилди.  
 Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 6154  
 Бюуртма — V-4111

Топшириш вақти — 19:00  
 Топширилди — 19:00

## МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.  
 Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нарҳда

1 2 3 4 5

ИНСОН ВА ҚОНУН

МУАССИС:  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
 АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
 www.minjust.uz

2007 йил 3 январда  
 Ўзбекистон  
 Матбуот ва ахборот  
 агентлигида  
 0081-рақам билан  
 рўйхатга олинган  
 ISSN 2010-7897  
 9772030784008

Бош  
 муҳаррир  
 Кўчқор  
 НОРҚОБИЛ

ОЛИМПАР сайёрамиздаги илк тирик мавжудотлар сувда пайдо бўлганини таъкидлашади. Миллион йиллардан буён сув тириклик эволюциясига ҳам, Ер сайёрасининг географик шакли-ю, иқлим ўзгаришларига ҳам беқиёс таъсир кўрсатиб келмоқда. Сувсиз ҳаёт йўқ. Уни инсоният кўз қорачиғидек асрашга мажбур.

Сайёрамиздаги тоза ичимлик суви захирасини асраш, ундан оқилонга фойдаланиш, sanoat ва ишлаб чиқариш жараёнини табиатга зарар етказмайдиган тарзда "экологик тоза" инновацион услублар билан йўлга қўйиш ва турли таълим усуллари билан фойдаланиб, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш каби долзарб муаммоларга инсоният эътиборини қаратиш мақсадида ҳар йили 22 март — Бутунжаҳон сув захираси куни сифатида дунёнинг деярли барча давлатларида нишонланади.

"Бутунжаҳон сув захираси куни"ни нишонлаш таклифи дастлаб 1992 йилда БМТнинг "Атроф-муҳитни химоя қилиш ва ривожланиш" мавзусидаги халқаро конференциясида илгари сурилган. 1993 йил 22 февралда эса БМТ Бош Ассамблеясининг бу ҳақдаги махсус резолюцияси қабул қилинган.

Резолюцияда барча иқтисодий-иқтисодий фаолият сув ва унинг сифатида сезиларли даражада боғлиқ бўлгани ҳолда, ушбу масалага етарлича эътибор қаратилмаётгани, аҳоли сонининг ўсиши, шунингдек, кўплаб давлатларда иқтисодий фаолиятнинг кенгайиши натижасида исрофгарчиликка йўл қўйилаётгани, сув захираларини асрашга, ундан тежамкорлик билан фойдаланишга жамиятни маҳаллий, миллий, минтақавий ва халқаро даражада огоҳликка чақариш зарурати вужудга келгани қайд этилган.

Шундан сўнг ҳар йили 22 мартда сувнинг аҳамияти ва ундан оқилонга фойдаланиш бўйича дунё миқёсида турли тадбирлар ўтказиш йўлга қўйилди. Тадбир-

## 22 март — Бутунжаҳон сув захираси куни ҲАЁТИМИЗ МАНБАИ



1993 йил 22 февралда эса БМТ Бош Ассамблеясининг бу ҳақдаги махсус резолюцияси қабул қилинган.

лар ҳар йили муайян долзарб мавзуга бағишланади. 2014 йилда "Сув ва энергия", 2015 йилда "Сув ва барқарор ривожланиш", 2016 йилда "Сув захираси ва аҳоли бандлиги", 2017 йилда "Нима учун оқова сувлар?", 2018 йилда "Табиат ва сув", 2019 йилда "Ҳеч кимни орқада қолдирмаслик" мавзуларида анжуманлар ўтказилган бўлса, жорий 2020 йил учун БМТ томонидан "Сув ва иқлим ўзгаришлари" мавзуси танланди.

Албатта, учдан икки қисми сувдан иборат сайёрамизда глобал иссиқлик эффектлари, чўлланлиш каби иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда сувнинг аҳамиятини ва таъсирини четлаб ўтиб бўлмайди. Иқлим ўзгаришига доир муаммоларнинг келиб чиқиши сувнинг ифлосланиши ва шўрланлиш даражаси билан чамбарчас боғлиқ. Бир сўз билан айтганда, сув сайёрамиздаги иқлим барқарорлигини белгилаб беради.

Таъкидлаш ўринлики, сайёрамизда экотизимда беқиёс аҳамиятга эга бўлган сув захираларига инсониятнинг салбий таъсирини чеклаш орқали нафақат иқлим ўзгариши билан боғлиқ, балки бошқа кўплаб глобал муаммоларни ҳам ҳал этиш мумкин. Аммо sanoat ва ишлаб чиқаришнинг кенгайиши натижасида бу салбий таъсир йилдан-йилга кучаймоқда. БМТ маълумотларига кўра, ҳозирги кунда деярли 80 фоиз оқова сувлар тозаланмасдан дарё ва денгизларга, ҳатто чўчүк сув ҳавзаларига оқизилмоқда.

Бу эса шундоқ ҳам чекланган чўчүк сув захирасининг янада қисқаришига олиб келмоқда.

Бугунги кунда дунё аҳолисининг 29 фоизи тоза ичимлик суви етишмаслигидан азият чекаётганини, ҳар куни мингга яқин болалар тоза ичимлик суви истеъмол қилмаслик ва оғир санитар-гиги-

еник шароитларда яшаш натижасида вафот этаётганини кўз олдимишга келтирсак, олдимишда турган муаммонинг кўламини янада теранроқ англаймиз.

Сув ҳавзаларига етказилган салбий таъсир натижасида бутун экологик тизим издан чиқишини Орол денгизи фожиаси мисолида ҳам кўришимиз мумкин. XX асрнинг биринчи ярмида майдони деярли 68 минг км<sup>2</sup>, сув ҳажми 1000 км<sup>3</sup> дан ортққ бўлган ушбу денгиз майдони қишлоқ ҳужайиғи учун янги ерларни ўзлаштириш ва тежамкорлик билан ишламайдиган гидротехника воситалари тўғрисида деярли 80 фоизга қисқариб, ўрнида қум-тузли Оролқум чўли пайдо бўлди. Натижада, денгиз флора ва фаунаси ҳалокатга учради, унумсиз шўр tupроқ куруқликда яшовчи ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг қирилиб кетишига, чанг-тузли бўронлар эса атмосферанинг ифлосланишига олиб келди. Оролшўр минтақасининг sanoat, қишлоқ ҳужайиғи ва чорвачилик каби иқтисодий тармоқлари катта талофат кўрди. Минтақа аҳолисининг саломатлигига жиддий хавф тўғрисида. Маълумотларга кўра, ҳар йили 15-75 миллион тонна туз, кимёвий ўғитлар ва захарли моддалардан иборат чанг атмосферага кўтарилади. Бунинг таъсирида минтақада атмосферанинг ифлосланиши 3 маротаба, ҳаводаги ўртача чанг микдори 6-7 маротаба ортади. Аҳоли орасида сил билан касалланиш даражаси жуда юқори.

Ҳозирда мамлакатимизда Орол денгизи фожиаси оқибатла-

■ Маълумотларга кўра, ҳар йили 15-75 миллион тонна туз, кимёвий ўғитлар ва захарли моддалардан иборат чанг атмосферага кўтарилади.

■ Бунинг таъсирида минтақада атмосферанинг ифлосланиши 3 маротаба, ҳаводаги ўртача чанг микдори 6-7 маротаба ортади.

рини бартараф этиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, чанг бўронлари муаммосини ҳал қилиш учун Орол денгизи ўрнидаги 1 миллион гектар майдонга 2030 йилга қадар тузга чидамли дарахт кўчатларини экиш ишлари режа асосида олиб борилмоқда.

Мухтасар айтганда, бугун атрофимизда рўй бераётган сув билан боғлиқ экологик муаммолар барчамиз учун огоҳлик кўнгириги ҳисобланади. Бундан ҳар биримиз тегишли хулоса чиқариб, суви тежаш ва исроф қилмаслик тамойилни кундалик мезонимизга айлантиришимиз зарур. Зеро, глобал муаммолар, аслида, кичик эътиборсизликлардан келиб чиқишини унутмайлик. Бугун бизга ҳаёт ва завқ улашадиган тоза ичимлик сувидан келажак авлод ҳам биздек баҳра олишга ҳақли.

Азизбек РАМАЗОНОВ,  
журналист

## Мен дарс ўтишда ривоятлардан фойдаланаман. Сиз-чи?

Дарҳақиқат, инсоннинг маънавий ҳаётида китобнинг ўрни жуда юксакдир. Китоб ўқиш орқали инсон яхши ҳаёт кечирини, маънавиятни, маърифатли бўлишни ўрганади. Лекин ҳозирги пайтда технологияларга нисбатан эътиборнинг кучайиши натижасида болаларнинг китобга бўлган қизиқиши бироз сустайди. Бу эса уларнинг маънавиятига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Аксига олиб ота-оналар ҳам фарзандларига китоб ўрнига энг сўнги русумдаги кимматбаҳо телефонларни олиб беришмоқда. Ҳўш, фарзандларимизни қандай қилиб китоб ўқишга қизиқтириш мумкин? Ўқувчиларнинг бадиий адабиётга қизиқишини оширишнинг қандай усуллари бор?

Энг аввало, ота-оналарнинг ўзи китоб ўқишда шахсий намуна кўрсатишлари лозим. Мен дарсни бошладан олдин столим устига бадиий китоб қўяман. Сўнг дарсини бошлайман. Ана шу китоб ўқувчилардан биттасининг бўлса ҳам диққатини жалб қилади. Бола сўрайди, мен китоб мазмунини ҳақида сўзлаб бераман. Кейинги дарсларда қолган ўқувчиларда ҳам қизиқиш пайдо бўлади. Дарсларимда ўқувчиларнинг дунёқарабини кенгайтириш, кўхна тарихимизга қизиқиш уйғотиш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантириш мақсадида ривоятлардан фойдаланаман. Ривоятлар мавзусига

кўра, турли туман бўлади. Тарихий ривоятлар бирор шахс фаолияти ёки халқ қахрамонлари билан боғлиқ воқеаларни акс эттиради. Тўмарис, Широқ, Амир Темур, Улуғбек, Ибн Сино, Беруний, Алишер Навоий, Машраб сингари тарихий шахслар ҳақида ривоятлар яратилган. Топонимик ривоятларда эса жой номларининг келиб чиқиши билан боғлиқ воқеалар ҳикоя қилинади. Масалан, Шохи Зинда зиёратгоҳининг, Самарқанд шахрининг, Нурота зиёратгоҳининг келиб чиқиши ҳақида ривоятлар мавжуд. Мана шундай ривоятларни тўллаб юраман. Бундай ривоятлар дарсларда қўл келади. Нафақат тарих балки миллий гоҳ дарсларида, математика, география, биология, адабиёт фанларида ҳам ривоятлар дарс мазмунини бойитида. Бундай усул билимларни ўрганиш жараёнида ўқувчиларнинг ўзаро фаолиятини оширади, мавзуга қизиқиш уйғотади, эслаб қолиш қобилиятини оширади. Мутахассисларнинг тадқиқотларига кўра, инсон олаётган билимларининг 50 фоизини эшитиш орқали, 80 фоизини кўриш орқали хотирасига жойлаши мумкин. Шунга

МАШҲУР француз олими Дени Дидронинг шундай гапи бор: "Одамлар китоб ўқишдан тўхтаса? фикрлардан ҳам тўхтайдилар".



кўра ривоятларни видеолавлар орқали намойиш этиш ҳам яхши натижа беради.

Ўқувчилар экрандаги воқеликни кўриб аждодларимизнинг кийинини, улар ишлаган анжумлар, уй-рўзгор буюмлари билан танишадилар ҳамда бунинг натижасида уларнинг илмлари мустаҳкамланади. Шундай экан ёш авлодни китоб мутолаасига қизиқтириш замон талабидир. Ота-оналарнинг фарзандларига техник воситаларни олиб беришлари қарши эмасман. Аммо бу фарзандимизга китоб совға қилишдек эзгу амални инкор қилиш эвазига бўлмасин, дейман. Болани китоб ўқишга ўргатсак, унинг маънавий оламини бойитган бўламиз.

Гулнора СОЛИЕВА,  
Сирдарё вилояти Боевот туманидаги 13-мактаб Миллий гоҳ фани ўқитувчиси

## "ГУЛИСТОН ЭКСТРАКТ ЁҒ" АЖДАН 1.060.000.000 СЎМ ОЙЛИК ИШ ҲАҚИ УНДИРИЛДИ

ГУЛИСТОН шахар адлия бўлими Президентнинг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхонаси, Бандликка кўмаклашувчи марказ жамоаси билан ҳамкорликда меҳнат қонунчилигига риоя қилиш, мажбурий меҳнатга барҳам бериш ҳамда меҳнатнинг истиқболли самараси бўлмиш иш ҳақи тўловини ўз вақтида берилиши ҳолатини назоратга олиб келмоқда.

Хусусан, Гулистон шахрида фаолият юритаётган "Гулистон экстракт ёғ" акциядорлик жамиятида ўтган йили ноябрь-декабрь ойларида ишлаган 70 нафар ишчи-ҳодимларнинг тўланмаган иш ҳақи ҳисоблаб чиқилиб, 2020 йилнинг январь ойида жами 146.995.117 сўм пул маблағи адлия органлари ва Бандликка кўмаклашувчи марказ идораси тақдимномаси асосида ундирилиб берилди. Жумладан, Б.Ғаниева 2.897.000 сўм, А.Садиқова 3.125.000 сўм, И.Герашенкога 6.620.000 сўм, О.Нуржамоловга 3.861.147 сўм пул маблағи олиб берилди.

Шунингдек, Халқ қабулхонаси билан ўтказилган сайёр қабул жараёнида ушбу жамият ишчи ходимлари билан мулоқотда 2020 йилнинг февраль ойида адлия, Бандликка кўмаклашувчи марказ ва Халқ қабулхонаси ходимлари саъй-ҳаракатлари билан 600 нафардан ортққ ишчи хизматчиларига эга бўлган "Гулистон экстракт ёғ" акциядорлик жамиятидан 1.060.000.000 сўм пул маблағи ойлик иш ҳақи ҳисобига ундирилди.

Шунингдек, Гулистон шахридаги "Сувоқава, Тозахудуд, Мактабгача таълим муассасаси" ташкилотларида ойлик иш ҳақларини ўз вақтида берилмаганлиги бўйича ташкилот ва корхона раҳбарларига огоҳнома киритилди. Маҳаллий бюджетдан ойлик иш ҳақи оладиган ташкилотлар халқ таълими бўлими, тиббиёт бирлашмаси, молия бўлими ва пенсия жамғармаси ва бошқа корхоналарда мажбурий меҳнатга барҳам берилиши билан биргаликда бу борада камчиликлар мавжуд эмаслиги кузатилди.

Назар ҚАРШИБОВ,  
Гулистон шахар адлия бўлими бошлиғи